

Хушхабар - "Ўзкимёсаноат" АЖ етакчи бухгалтери "Мўтабар аёл" кўкрак нишони билан тақдирланди

// 06.03.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/hushhabar-uzkimyosanoat-azh-etakchi-buhgalteri-mutabar-ayol->



Хушхабар - "Ўзкимёсаноат" АЖ Бухгалтерия ва корпоратив ҳисоботи бошқармаси етакчи бухгалтери Нодирахон Ризаева "Мўтабар аёл" кўкрак нишони билан тақдирланди.

"Мўтабар аёл" кўкрак нишони билан жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланишига ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизлар тақдирландилар.

Аҳамиятлиси, шундай юксак эътироф этилган аёллар орасида Жамиятимизнинг энди яна бир мутахассиси бор.

"Ўзкимёсаноат" АЖ жамоаси Нодирахон Ризаевани ушбу мукофот билан қутлайди ва келгусидаги ишларига улкан зафарлар, оилавий фаровонлик тилайди.